

# YOSHLAR OVOZI

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март куни Навоий вилоятида бўлди.

Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ерости ва ерусти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўринга эга. Вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озик-овқат sanoati изчил ривожланган.

Бугун вилоятда йирик sanoat корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумсувент", "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятлари ва "Электр-кимёзаводи" қўша корхонаси шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 28 март куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига доир ишлар билан танишган эди. Орадан ўтган бир

йил давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Ижро жараёни давлат раҳбарининг шахсий назоратида. Президентимизнинг бу сафарги ташрифи ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбари дастлаб Кармана туманидаги «Karmana golden eggs» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Уни ташкил қилиш бўйича лойиҳа ўтган йил март ойида Президентга тақдим қилинган эди. Орадан ўтган вақт давомида биринчи босқичдаги ишлар бошланди. 90 кунда товуқ етиштиришга мўлжалланган паррандачилик комплексида элик иш ўрни яратилди. Мажмуада жўжа уч ой давомида парваришланиб, тухум берадиган товуқ ҳолида сотувга чиқарилади.

Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳа ташаббускорлари билан келажак режалари ҳақида суҳбатлашди. Маълум қилинганидек, 2019 йилда инкубация, тухум етиштириш комплексларини ишга тушириш мўлжалланган. Олинанидан маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилади, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

— Паррандачилик бўйича тизим яратилибди, — деди Президент. — Энди бу ерда тухум етиштириш ва уни экспортга чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида «Навоий» эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдими бўлиб ўтди. Маълумки, 2010-2016 йилларда иқтисодий зонада 22 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 904 иш ўрни яратилган. Тақдим қилинган режага кўра, 2017-2019 йилларда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 1659 та иш ўрни яратилади. Бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳаларда мрамар ва гранит тошлар, композит тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳам ўрин олган. Тош карьерларидан мрамар қазиб олиш, қайта ишлаш, композит ва архитектура қурилмалари яратиш ишлари бажарилади.

(Давоми 2-саҳифада)



» ЭНТИРОМ

## ҲАЁТ КҮЙЧИСИ, ВАҒФО ТИМСОЛИ

Баҳорнинг илк куни. Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони эрта тонгдан гавжум. Ўзбекистон халқ шоираси, ҳаёт ва садоқат куйчиси Зулфия таваллуд топаннинг 103 йиллиги муносабати билан бу ерда кўплаб ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар жам бўлди.

Қўлида гулдасталар тутиб, суюкли шоирамиз ҳайкали томон ошиққан меҳмонлар Зулфияхонимнинг ўз тилидан аудиотасмага ёзиб олинган шеърлари билан қарши олинди. Бу ҳолат барчага хуш кайфият бағишлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, жамоат арбоблари, депутатлар, шоиранинг оила аъзолари, шогирдлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юртимизда адабиёт аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор, ижодкорлар учун яратилган кенг имкониятлар хусусида тўхталди. Шеърят бўстониغا эндигина кириб келаётган Зулфияхоним издошлари ўз шеърларидан ўқиб берди.

Боборавшан ҲОЗИТДИНОВ

### » MUNOSABAT

## МТМ: СИҒАТ ВА САМАРА УЧУН САРМОЯ

Президентимиз 2018 йил 28 февраль куни "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Бу эса, узлуксиз таълимнинг илк бўғини яна ислоҳ қилинади деган гап. Ҳужжатда соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш, тизимга юқори малакали, шу билан бирга, ёш кадрларни жалб этишга эътибор қаратилган. Биз юртдошларимизнинг муносабатини билишга ошиқдик.

### Феруза АБДУРАҲИМОВА,

Наманган шаҳридаги 23-мактабгача таълим муассасаси мудариси:

— Қаерда меҳнат қадрланса, ўша жойда юксалиш бўлади.

Президентимиз қарори асосида 2018 йил 1 мартдан мудар, тарбиячи, методист, ўқитувчи, психолог, мусиқа раҳбари ва тарбиячи ёрдამчисининг ойлик маоши 30 фоизга оширилганини эшитиб қувондим. Зотан, шу

### чоққача ойлик маоши

пастлаги сабаб кўплаб яхши мутахассислардан айрилиб қолаётганиди. Уйлайманки, энди муаммо батамом барҳам топади.

### Моҳинабону ОБИДОВА,

Чуст туманидаги 34-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси:

— Охириги вақтда мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг

### меҳнатини рағбатлантириш

масаласи эътиборсиз қолиб кетаётганиди. Масалан, 1993 йилгача умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари билан бир хил маош олардик. Бироқ кейинчалик муаллимларнинг маоши бир неча марта оширилди, бизники эса, йўқ. Бундай ҳолат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг ўз устида

### ишламай кўйишига олиб

келди. Янги қарорнинг қабул қилинганидан жуда хурсандман. 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб олий маълумотли тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашининг базавий тариф ставкалари миқдори бошланғич синф ўқитувчилариники билан тенглаштирилади. Фикримча, бундай ўзгариш мактабгача таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

### Гўзалой ХҲҲАМУРОДОВА,

уй бекаси (Яккабоғ тумани):

— Турмуш ўртоғим автокорхонада механик бўлиб ишлайди. Беш нафар фарзандимиз бор.

### Каттаси энди мактабга

чиқди. Оиламиз бюджетидан келиб чиқиб, фақат икки нафар қизимни боғчага берганман. Иккитаси уйда. Кунни кеча дугонам Президентимиз янги қарорни имзолагани ҳақида айтиб қолди. Унга кўра, туманимиздаги мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилгача ота-оналар учун бадал тўлови 50 фоизга камайтирилар экан. Қувончим ичимга сигмай кетди. Энди фарзандларимнинг барчасини боғчага берман. Бу эса, уларнинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жавлон ВАҒФОВ  
ёзиб олди.

### » KUN MAVZUSI

## ИХЧАМ ВА ДАБДАБАСИЗ

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз, дабдабасиз ўтказиш бўйича мамлакатимиз халқига мурожаати қабул қилинди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари,

жамиятимизнинг обрўли вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Мурожаатноманинг мазмуни батафсил тушунтирилиб, кенг муҳокама қилинди. Тўй ва маъракалардаги ўзини кўз-кўз қилиш ҳолатлари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани, бунга барҳам беришда янги ташаббус муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тўю маросимларни ихчам, камчиқим ўтказиш

мезонларини ишлаб чиқиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига тегишли топшириқлар берилди. Бу бўйича аниқ механизм ишлаб чиқишга келишиб олинди.

### Ж.ЭРКИНОВ

Мурожаатноманинг тўлиқ матни билан 2-саҳифада танишинг.

### » BOLALAR SPORTI

## "МАКТАБ ЛИГАСИ" 7 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент шаҳрининг умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги "Мактаб лигаси"га старт берилди. Миробод туманидаги спорт ўйинларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мусобақанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир давомида илк маротаба ўтказилаётган мусобақанинг қодалари ва шартлари батафсил тушунтирилди. Ўзбек

жанг санъати, бадий гимнастика бўйича кўргазмали чиқишлар, куй-қўшиқлар йиғилганларнинг кайфиятини чоғ қилди. — Мамлакатимизда спортга юксак эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Аҳрор Имомхўжаев. — "Мактаб лигаси"га ўхшаш мусобақалар салоҳиятли спортчиларни аниқлаб, ҳақиқий чемпионларга

айлантириш имконини беради. Тўрт босқичдан иборат баҳсларда 31 минг нафарга яқин ўғил-қиз ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Лойиҳа етти ойга мўлжалланган. Унинг доирасида 8-,9-,10-синф ўқувчиларидан тузилган жамоалар баскетбол, гандбол, волейбол бўйича беллашади.

Гулноза БЕКМУРОДОВА



Ўқувчига эътибор шумми? 3



"ЧЕТ ЭЛГА ДАДАЛАР БОРАДИ" 4

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлат раҳбарига тақдим қилинган яна бир режа бўйича 2018-2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган алюмин профиллар, аксессуар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга 4 та лойиҳа амалга оширилди.

– Навоий вилоятида иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд, – деди Президент. – Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ташаббускор тадбиркорларни топиш керак. Бунинг учун ақин вақтда вилоятда бизнес-форум ташкил қилиш лозим. Унга чет элик инвесторларни ҳам жалб қилиш мақсада мувофиқ бўлади. Ана шунда Навоийга энг сара инвесторлар келади.

Вилоятда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси Зарафшон шаҳри ҳудудида амалга оширилади. 350 кишининг бандлиги таъминланган қорхонада силмиқ лист ойна, шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Президентга замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Балиқчиликка оид режа давлат раҳбарига манзур бўлди. Унда Кармана туманидаги хонадонларда кичик сув ҳавзалари барпо этиб, интенсив усулда балиқ етиштириш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, икки сотих ерда интенсив усулда балиқ

етиштирилади. Давлат раҳбарига етиштириладиган балиқ турлари, озукаси, даромадлар ҳақида маълумот берилди.

– Балиқ парҳез маҳсулот ҳисобланади, гўшт ўрнини босади. Шундай экан, бу тармоқни ривожлантиришга катта эътибор бериш зарур, – деди Президент. – Хонадонларда етиштирилган балиқ аҳолига фақат қўшимча даромад манбаи эмас. У соғлиқ учун ҳам фойдаландир.

Маълум қилинганидек, Навоий вилоятидаги «Тўдакўл» сув ҳавзасида очилган балиқчилик мажмуасига 1200 гектар ер ажратилди. Эронлик инвесторлар томонидан амалга оширилган лойиҳа йилга 5000 тонна балиқ, 4000 тонна қайта ишланган балиқ маҳсулотлари (балиқ филеси, фарши, дудланган балиқ) тайёрлашни кўзда tutади.

Мамлакатимиз иқлим шароитига мос, тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштириладиган писта меваси хуштаъмлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар фикрича, писта дарахти минг йилгача ҳосил беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи доирасида Нурота туманида 10 минг гектар эриш ерда ташкил этиладиган интенсив писта плантациялари лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбарига унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қиймати 21 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 850 киши доимий

иш билан таъминланади. Маълумки, бизда мавжуд технологиялар асосида экилган писта 11-12 йилда ҳосилга киради. Бир тул дарахдан 200-300 грамм ҳосил олиш мумкин. Янги плантацияларни тақомиллашган технология асосида барпо этиш кўзда тутилган. Янги кўчатхонада ўстирилган ниҳолга иккинчи йил навдор писталардан олинган куртак пайванда қилинади. Учинчи йилдан уни очик майдонда экиш мумкин. Ушбу технологияда экилган писта 7-8 йилда ҳосилга киради. Унинг бир түпидан 1,5-2 килограмм писта олиш мумкин.

– Кишлоқ хўжалигига илмий ёндашмай қўйганимиз боис кўпалаб экинлардан кутилган даражада ҳосил ололмагандим, – деди Президент. – Бундан буён соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, экинни экишдан бошлаб уни йиғиб-тегиб олишга олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Ҳосилдорлик қанча юқори, экспортбўл бўлса, деҳқон бойида. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу.

Писта плантациялари 2018-2021 йиллар давомида барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент қимё технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари ишлаб чиққан гидрогель моддаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу модда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиришга хизмат қилади. Гидрогель ёмғир сувини ва ўсимликка бериладиган ўғитни сақлайди. Сувни

50 фоизгача тежашга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида чўл ўрмончилигини ривожлантириш илмий марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида боғ ва замонавий иссиқхона барпо этиш, мевасабзавотни қайта ишлаш, Навбахор туманида томчилик сугориш усулида бодом ва писта плантациялари очиш, қоракўлчилик, тивит жуни эчкиларни кўпайтириш, 2018-2019 йилларда вилоятда озиқ-овқат таъминотини рағбатлантириш ва қатор бошқа йўналишларга оид истиқболли лойиҳалар билан танишди. Уларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбари Навоийга ташрифи давомида вилоятнинг энг оқиломуҳим ҳудудларидан бири – Томди туманида ҳам бўлди. Тумандаги 12-болалар мусика ва санъат мактабида Навоий вилоятида амалга оширилган лойиҳалар ва истиқболли режалар билан танишди.

Президентга дастлаб Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилди. Вилоятнинг ушбу чекка туманлари ва Зарафшон шаҳрида саноат, халқ истеъмоли моллари, кишлоқ ҳужра ва улара қатъий амал қилади.

Яна бир масала – оилавий тадбирларда санъаткорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатса ва шу тартибга қатъий риоя қилинса, уларнинг масъулияти янада ошадиган, миллий урф-одатларимиз ва маънавиятимизга мутлақо тўғри келмайдиган қўшиқлар, рақс ва бошқа чиқишларнинг олдидан олинди. Айни пайтда кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларида турил замонавий техника усуллари, жумладан, овоз кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш атрофдаги инсонларнинг ҳаловатини бузаётганига ҳам бефарқ бўлмадик.

Бундай тадбирларни ўтказишда ҳақдан ошган кимсаларни – уларнинг мавқеи ва лавозимини қатъи назар – маҳалла фуқаролар йиғинига тақдир этиб, обрў-эътиборли кишилар, имом-хатиблар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиб, маслаҳат бериб, тўғри йўлга солайлик.

Ҳар бир ишда, жумладан, урф-одатларга амал қилишда ҳам мевёр ва тартиб ҳал қилувчи оим эканини унутмайлик. Ҳаётимизда осойишталик ҳужумрон экан, оилаларимизда, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

**Қадрли опа-сингиллар!**  
Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик,

фермерлик ҳаракати, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини сизларнинг иштирокингизиз тасаввур этиш қийин.

Сизлар хонадонларимизда, маҳалларимиз, бутун юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини яратишда доимо фаол бўлиб келмоқдасиз.

Шундай экан, ижтимоий ҳаётимиздаги нуфузингиз ва мавқенингиздан фойдаланиб, тўғри ва тўғри маросим ўтказаятган оилаларга кириб, сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, ортиқча оруз-ҳавасга берилиш нафақат оила бюджетига, балки ёш оилалар маънавиятининг негизига ҳам жиҳдий путур етказишини ҳаётий аниқ мисоллар орқали тушунириб беришингиз лозим.

Бу масалда кўп нарса сиз – аёлларга боғлиқ эканини унутманг.

**Азиз ўғил-қизлар!**  
Сизларнинг ёрқин истиқболингиз учун давлатимиз, ота-оналарингиз барча шароитларни яратмоқда. Ўқиб-ўрганадан, замонавий касбларни эгаллашдан, деган мақсад билан яшаётган тенгдошларингиз катта марраларни забт этмоқда. Энг сўнгги техника ва технологияларни бошқармоқда, ривожланган мамлакатларнинг илғор ёшлари билан барча соҳаларда тенгма-тенг беллашмоқда.

Шидат билан тез ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида сизларнинг асосий вазифангиз – замонавий илм-фан ютуқларини, ахборот-коммуникация технологиялари сирларини, чет тилларни пухта эгаллаш, мамлакатимизни ҳар томонлама

сотиб олинади. Бу ерда йилга минг тонна туя, 300 тонна эчки сутти қайта ишланади. Бу жой нафақат туя ва эчкичилик мажмуаси, балки йилга 10 минг сайёҳни қабул қиладиган замонавий экотуризм марказига айланади.

Шу ўринда туя сутининг шифобахш хусусияти ҳақида тўхталиш жоиз. Унинг таркибида А, В1, В2, С ва D витаминлари сигир сутига қараганда 3 баробар кўп. Кальций, калий, магний, темир, мис, марганец, рух, фосфор каби микроэлементларга бой. Бундан ташқари, туя сутида эластин, антолин, лактоферрин каби фойдали моддалар мавжуд. У қандали диабет, камқонлик, гепатит, нафас ва ошқозон-ичак йўллари, буйрак, юрак, асаб касалликларига даво бўлиб, иммунитетни мустаҳкамлайди.

Бу ерга келган сайёҳлар ана шу шифобахш сутдан татиб кўриши, чўл бўйлаб туя ва квадроциклларда сайр қилиши мумкин бўлади. Давлат раҳбари мутахассисларга мажмуани Мустақиллик байрамига қуриб битказиш ва сайёҳларга зарур шароит яратиш юзасидан топшириқлар берди.

Томди туманидаги Навоий кон-металлургия қорғашига қарши 4 минг бош қўй боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ҳам шундай истиқболли лойиҳалардан бўлиб, вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Ижтимоий лойиҳалар тақ-

димоти ҳам ўтказилди. Хусусан, Томди туманида «Шодлик» меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун болалар шахарчаси қурилади. Майдони 4,3 гектар бўлган шахарчада болалар учун барча қулайлик яратилади. Қурилиш ишлари март ойида бошланиб, йил охиригача якунланади.

Зарафшон шахрида фавворалар хиёбони барпо этиш, Учқудуқ туманидаги «Кончи» санаторийсини таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари шахарлар ободлиги ва аҳоли соломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Зарафшон ва Учқудуқ шахарларидаги кўп қаватли уй-жой фондини таъмирлаш ишлари билан танишди.

– Олисда жойлашган бу шахарлар аҳолиси яхши яшашга ҳақли, – деди давлат раҳбари. – Ўтган йили 150 уй таъмирлаб берилган эди, 2018-2019 йилларда қолган 723 турар жойнинг томидан ертўласигача мукаммал таъмирдан чиқарилади.

Айни пайтда 2026 йилгача қимматбаҳо металллар қазиб олишни кўпайтириш, «Ауинзо-Амантои» конини ўзлаштириш, Мурунтоғ конини ўзлаштиришнинг 5-босқичи, Томди туманидаги 2-гидрометаллургия заводи қувватларини кенгайтириш каби лойиҳалар тақдимотларга ўтказилди.

Давлат раҳбари барча лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янада кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари ва Зарафшон шахри жамоатчилиги вакиллари, оқсоқоллар, ёшлар, тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Сўхбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган улкан имкониятлар, ён қўшнилари билан дўстона алоқалар фоллашайгани, одамларни иш билан таъминлаш, энг чекка Томди туманида сув манбаларини топиш ҳисобига аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Шу кунги Хатирчи тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодийни юксалтириш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари яратишга эътиборни кучайтириш, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, аёллар ўртасида жиноятчиликни қаматириш каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент одамларнинг муаммо ва тақлифларини эшитиб, мутасаддиларга уларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунига етди. Сафар асносида алоҳида таъкидланганидек, истиқболли лойиҳалар, бериладиган топшириқлар ижроси давлат раҳбарининг доимий назоратида бўлади.

ЎЗА

## РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ВА “НУРОНИЙ” ЖАМФАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖАТИ

Хурматли юртдошлар!  
Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Қадрли ёшлар!  
Мамлакатимизда инсон манфаатлари ва турмуш фаровонлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топштириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу бордада халқимизнинг эзгу қадриятларини ҳизмат муҳасам этган, одамларимизни бирлаштириш, улар ўртасида ўзаро аҳилик ва меҳр-муруват туғйуларини мустаҳкамлашга хизмат қилган тўғри ва маросимлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, бундай тадбирлар эл-юртимизнинг маданияти, маънавий савияси даражасини аққол кўрсатувчи оимлардан бири, десак янглимаймиз.

Афсуски, кейинги пайтларда тўғри, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмастик, халқимизнинг урф-одатлари ва аънабаларини менсимаслик каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда.

Ушбу долзарб масала неча ўн йиллардан бери халқимизнинг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. XX аср бошида жаҳид болаларимиз тўғри-маъракаларимиздаги исрофгарчилик ва дабдабозликнинг миллитимизни маънавий таназзул ва қашшоқликка етаклайдиган иллат экани ҳақида куюниб ёзганларини эсладик. Улғу маърифатпарвар болаларимиз Маҳмудхўжа Бехбудий миллитимиз тарақ-

қийтига тўғаноқ бўладиган икки нарса бор: бу – тўғри ва азадир, деб айни ҳақиқатни ёзган эди.

Афсуски, йиллар ўтса-да, замон ўзгариб бораётган бўлса-да, миллий тараққийимизга катта тўсиқ ва ғов бўлиб келаятган бу иллатга барҳам бериш, тўғри-маъракаларни ихчам, замонавий кўринишда ўтказиш ўрнига, тўғридан олдига ва кейин бўладиган керакликерасиз тадбирларни ўйлаб топиш, дабдабозлик қилиб, ҳақдан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда.

Пул топиб, ақл топмаган, манъавий савияси паст айрим кимсалар, айниқса, оёғи ердан узилган баъзи мансабдорлар бу бордада ахлоқ-одоиб мезонларини унутиб, ўзларининг жамиятдаги мавқеини, бойлигини кўрсатиб қўйиш каби худбин мақсадларни кўзламоқда.

Энг ёмони, бундай ҳолатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларда ҳалол меҳнатга нисбатан бепасанд муносабат ва энгил-елпи ҳаёт кечириб, манманликка интилишининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Тўғри-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳволи ёмонлашувига, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоқига ботишига, энг хавфлиси, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитни бузишга олиб келмоқда.

Бундай нохуш ҳолатлар жамоатчиликнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда, оммавий ахборот воситаларида, маҳалла-қўй, аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Лекин қурилайётган чора-тадбирларга қарамасдан, афсуски, бу бордада жиҳдий ўзга-

ришлар кўзга ташланмаяпти. Муҳтарам отахон ва онахонлар!

**Қадрли ватандошлар!**  
Тўғри ва маросимлар шахсий иш эмас, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга масаладир. Халқимизнинг миллий табиатида мутлақо ярашмайди-ган, оилаларнинг моддий аҳволини оғирлаштирадиган, уларнинг турмушини издан чиқарадиган бундай бемаъни ҳолатларга барҳам беришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан биз юртимиз аҳолисига, кенг жамоатчилик, хурматли зелиларимиз, азиз фарзандларимиз, мутасадди раҳбарларимизга мурожаат қиламиз: ҳар биримиз ўз худудимизда тўғри ва маъракалар, оилавий маросим ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этилайлик. Бу бордада тарбият ва тушунириш ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада кучайтирайлик.

Қурьони қаримда: **“Энлар, ичинлар, лекин исрофгарчиликка йўл қўймагилар. Зеро, Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни севмаган”**, деб буюрилган. Бир кунлик тўғри деб бутун умр йиққан-терган маблағини совириш, бандасига ато этилган ноз-неъматни исроф қилиш катта гуноҳ экани эъдан чиқармайлик. Сохта обрў ортиришга қаратилган бундай ишлар ўрнига бева-бечораларга, ночор инсонлар, муҳтож оилаларга ёрдам бериайлик. Хайрли ва савобли ишга қўл урган, етим-есирнинг бошини силаган одам бир умр савоб олишини, халқ ичида доим ҳурмат ва эъзозда бўлишини маҳал-

ладошларимизга, аёлларимиз ва болаларимизга тушунтирайлик.

Ҳар бир маҳаллада кўпни кўрган, қайвони отахон ва онахонлар бош бўлиб, тўғриликни ихчам, камчиқим, замонавий қилиб ўтказиш бўйича мевёр ва мезонларни ишлаб чиқайлик ва улара қатъий амал қилайлик.

Яна бир масала – оилавий тадбирларда санъаткорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатса ва шу тартибга қатъий риоя қилинса, уларнинг масъулияти янада ошадиган, миллий урф-одатларимиз ва маънавиятимизга мутлақо тўғри келмайдиган қўшиқлар, рақс ва бошқа чиқишларнинг олдидан олинди.

Айни пайтда кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларида турил замонавий техника усуллари, жумладан, овоз кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш атрофдаги инсонларнинг ҳаловатини бузаётганига ҳам бефарқ бўлмадик.

Бундай тадбирларни ўтказишда ҳақдан ошган кимсаларни – уларнинг мавқеи ва лавозимини қатъи назар – маҳалла фуқаролар йиғинига тақдир этиб, обрў-эътиборли кишилар, имом-хатиблар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиб, маслаҳат бериб, тўғри йўлга солайлик.

Ҳар бир ишда, жумладан, урф-одатларга амал қилишда ҳам мевёр ва тартиб ҳал қилувчи оим эканини унутмайлик. Ҳаётимизда осойишталик ҳужумрон экан, оилаларимизда, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

**Қадрли опа-сингиллар!**  
Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик,

фермерлик ҳаракати, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини сизларнинг иштирокингизиз тасаввур этиш қийин.

Сизлар хонадонларимизда, маҳалларимиз, бутун юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини яратишда доимо фаол бўлиб келмоқдасиз.

Шундай экан, ижтимоий ҳаётимиздаги нуфузингиз ва мавқенингиздан фойдаланиб, тўғри ва тўғри маросим ўтказаятган оилаларга кириб, сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, ортиқча оруз-ҳавасга берилиш нафақат оила бюджетига, балки ёш оилалар маънавиятининг негизига ҳам жиҳдий путур етказишини ҳаётий аниқ мисоллар орқали тушунириб беришингиз лозим.

Бу масалда кўп нарса сиз – аёлларга боғлиқ эканини унутманг.

**Азиз ўғил-қизлар!**  
Сизларнинг ёрқин истиқболингиз учун давлатимиз, ота-оналарингиз барча шароитларни яратмоқда. Ўқиб-ўрганадан, замонавий касбларни эгаллашдан, деган мақсад билан яшаётган тенгдошларингиз катта марраларни забт этмоқда. Энг сўнгги техника ва технологияларни бошқармоқда, ривожланган мамлакатларнинг илғор ёшлари билан барча соҳаларда тенгма-тенг беллашмоқда.

Шидат билан тез ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида сизларнинг асосий вазифангиз – замонавий илм-фан ютуқларини, ахборот-коммуникация технологиялари сирларини, чет тилларни пухта эгаллаш, мамлакатимизни ҳар томонлама

равнақ топтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Бугунги дунё тараққийетидан яхши хабардор бўлган XXI аср ёшлари сифатида сизлар миллитимиз шаънига доғ тушира-диган бундай салбий иллатларга қарши курашда ташаббус ва фаоллик кўрсатасиз, деб ишонамиз.

Албатта, ҳар бир ота-онанинг энг катта орзу-нияти жоанан азиз фарзандининг бахту иқболини кўришидир. Лекин бунга фақат дабдабали тўғрилик, моддий бойлик тўплаш билан эришиб бўлмаганини сизлар яхши биласиз. Бунга ҳаётда кўпалаб мисоллар келтириш мумкин.

Аввало, ўзингизнинг, қолаверса, миллитимизнинг шаънини, ота-оналарингиз саломатлигини, буёғуси оилангиз бахтини ўйлаб, тўғриликни камтарона, ихчам қилиб ўтказишга ташаббускор бўлинг!

**Азиз ватандошлар!**

Тўғри-маъракалар миллитимизнинг азалий қадриятлари ва аънабаларини намоеън этадиган кўзгу экан, уларни юксак маънавий мезонларга қарши мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилиш ғоят долзарб масала, – дейди Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши бўлими мудири Феруза Абдурахмонова. – Танлов йиғит-қизларни миллий қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишига ишонаман. Бундай тадбирлар қанча кўпайса, шунча яхши.

Ҳар бир саҳна кўриниши томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Яқунда “Энг яхши жамоа”, “Энг яхши сценарий муаллифи”, “Энг яхши режиссёр” йўналишларида голиблар аниқланди, бир миллион сўмдан пул мукофоти, диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

САРА СПЕКТАКЛАБ УЧУН МИМОН СЎМ

» TANLOV  
Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё Вилояти кенгаши ташаббуси билан “Энг таъсирли саҳна кўриниши” кўрик-танлови ўтказилди.



Шавкат КАРОМОВ

Ёшларнинг диний экстремизм ва ақидапарастлик иллатларидан огоҳ этишга қаратилган мазкур лойиҳага талаба ва ўқувчилар жалб этилди. Иштирокчилар ўзлари саҳналаштирган спектаклларни намойиш этиди. – Тенгдошларимизда дин ниқоби остида кириб калаётган мафкуравий таҳдидларга қарши мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилиш ғоят долзарб масала, – дейди Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши бўлими мудири Феруза Абдурахмонова. – Танлов йиғит-қизларни миллий қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишига ишонаман. Бундай тадбирлар қанча кўпайса, шунча яхши. Ҳар бир саҳна кўриниши томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Яқунда “Энг яхши жамоа”, “Энг яхши сценарий муаллифи”, “Энг яхши режиссёр” йўналишларида голиблар аниқланди, бир миллион сўмдан пул мукофоти, диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Малик СИНДОРОВ

Талаба бўлиш нелигини бошидан ўтказган билади. Янаям яхшиси, буни ётоқхонада кун кўрганлардан сўраган маъқул. Улар-ку мусофирликнинг қаттиқ нонини еявериб, зуваласи пишиб кетган.

## ЎҚУВЧИГА ЭЪТИБОР ШУМИ?!



Яшириб нима қилдик: талабалар тураржойида яшашнинг ҳам ўзгача гаши, ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Иккинчи ҳолатни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи алоҳида эътиборга олган. Жойларда ўтказилаётган ўрганиш жараёнлари фикримизни тасдиқлайди. Бу сафар сизларни рўйи замин сайқали — Самарқанддаги аҳвол билан таништирмаққа чоғландик.

Жинда Иттифоқ фаоллари кўҳна кентдаги бир қатор таълим муас-

сасаларининг ўқувчию талабалари қандай шароитда яшаётгани билан қизиқди. Дастлаб улар Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиларининг тураржойига йўл олди.

Мазкур масканда 273 нафар тенгдошимиз истиқомат қилмоқда. Шундан 113 нафари қизлар. Хоналарга бирма-бир кириб чиққач, очини, таъбимиз хира тортиди. Биринчидан, бинодаги санитария ҳо-

» **MEDIAREYD**



лати чатоқ. Таъкидлаш керак, 2017 йилнинг якунида Ёшлар иттифоқи вакиллари муассаса раҳбариятини бу ҳақда огоҳлантириб, тегишли чоралар кўришга ундаганди. Афсуски, натижасиз.

Ётоқхонадаги ювиниш хоналари ва ҳолатхоналарга кириб бўлмади. Том қисмидан чакки ўтгани боис, поллари буткул яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Ўрни келганда, бир гапни айтиб қўйсак: ётоқхонада турадиган барча йигит-қизлардан бир йилга 150 минг сўмдан ундирилади. Чамалаб кўрсангиз, яхшигина пул. Ушбу маблағнинг ақали ярмини таъмир ишларига сарфлаш мумкин-ку, ахир! Шунда юқоридаги каби хунук ҳолатларга ўз-ўзидан чек қўйлармиди...

Ётоқхонада ёшларга яратиб берилган шароитларни тафтиш қилдик. Яна кайфиятимиз бузилди. Бунни қарангки, муассасада

маънавият хонаси бўлса-да, аммо бадиий китоблар билан таъминланмаган. Устига-устак, газета ва журналлар ўтган йилнинг октябрь ойидан буён етказилмади.

Хоналар совуқлиги сабаб ўқувчилар электр печларини ёқишга мажбур. Хавотирлиси, мазкур жиҳозлардан ҳар ким билганича фойдаланмоқда. Эҳтиёт чоралари кўрилмаган ҳисоб.

Эсиз! Бу масканда эртамиз эгаларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, олдидигина эҳтиёжини қондиришга ҳаракат ҳам қилинмаётгани жуда ачинари. Шу тобда ҳудуд мутасаддиларидан сўрагимиз келади: ўз фарзандингизга ҳам бундай шароитда яшашни раво кўрармидингиз?..

P.S.: Материал нашрга тайёрланганда, лицей маъмурияти камчиликларни бирма-бир бартараф этишга кийришгани ҳақида хабар топдик. Жумладан, ётоқхонанинг иссиқлик таъминоти тизими соғлом бўлди. Маънавият хонасига зарур китоблар олиб келинган. Қолган муаммолар ҳам тез орада ҳал қилинишига умид қиламиз.

» **TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI**

## МУҲИМИ БЕФАРҚ БЎЛМАСЛИК

Мукаррам ЖУМАНАЗАРОВА

Шовот туманида жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Ёшлар иттифоқи, маҳаллий ҳокимлик, ички ишлар ва халқ таълими бўлимларининг мутасадди вакиллари қатнашди.



Тадбирга Иттифоқнинг таълим муассасаларидаги етакчилари, сардорлар кенгаши

аъзолари ҳам тақлиф этилди. Мутахассислар ва ёшлар мавзу юзасидан фикр-мулоҳаза ал-

машди. Мунозаралардан сўнг ёшлар ташкилоти томонидан имконияти чекланган икки нафар тенгдошимиз — Диана Саидаметова ҳамда Худоёр Қўзиевга но-гиронлар аравачаси топширилди.

Худоёр оғир хасталик сабаб уч ёшидан юролмай қолди, гапириш қобилиятини ҳам йўқотган. Шунга қарамай, дарс машғулотларида мунтазам иштирок этади. Ҳозир 2-синфда таҳсил олмақда. Рус тилини мукаммал ўрганишга бел боғлаган. Инновацион технологияларга ҳам қизиқиши баланд.

— Фарзандимга ҳозиргача аниқ ташхис қўйилмаган, шифокорлар у қандай қилиб шу кўйга тушганини айтиб беролмаяпти, — дейди бола-кайнинг онаси Муборак Қурбонова. — Ҳафтада беш кун мактаб ўқитувчиси уйимизга келиб, ўғлим билан шугулланади. Худоёр жуда ақлли бола. Ҳамма нарсани тез фаҳмлайди. Бугун Ёшлар иттифоқининг Шовот тумани кенгаши бизга жуда керакли совғани тақдим этди. Ниҳоятда қувондик. Эътибор учун катта раҳмат!

» **IJODIY MULOQOT**

## ЗУЛФИЯХОНИМГА ЁҚҚАН ШЕЪР

Севинной СОБИРОВА,  
Урганч туризм ва тадбиркорлик  
касб-хунар коллежи ўқувчиси

Атоқли шоира Зулфия Исроилова таваллуд топган кун муносабати билан Урганч шаҳридаги Ёшлар маркази томонидан туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда “Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман” деб номланган маданий тадбир ўтказилди.

Унда таниқли шоирлар, жамоат арбоблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда ижодкор ёшлар қатнашди.

Тадбир давомида Зулфиянинг адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида жўшиб гапирилди. Шеърларидан парчалар ўқилди, ёш актёрлар сахна кўринишлари намойиш этди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Гавҳар Ибодул-

лаеванинг дил сўзлари барчани тўқинлантириб юборди.

— Олийгоҳимизда Зулфияхоним билан учрашув ташкил қилинган, — деб хотирлайди у. — Шеър ўқишимизни сўрадилар. Ҳамма ҳаяжонда, юрагим қаттиқ уряпти. Ниҳоят, меннинг навбатим келди. Дадилашиб, “Сўзим” деб номланувчи шеъримни айта бошладим. Зулфия опага манзур келди. Уша лаҳзалар ҳали ҳам эсимда.

Тадбир давомида ёшлар ҳам ўз фикрларини билдирди.

» **KASBIM MENING...**

## ҲОРМАНГ, ЧОРВАДОРЛАР!

Сардор БЕКЖОНОВ

Бурунгилардан қолган гап бор: тушингда чўпон кўрсанг, яхшилиққа йўй. Бундай туш инсон тез орада давлатманд бўлиб кетишига ишора. Республикаимизда ҳозир ҳам ота-бобосидан қолган мерос — чўпонликни касб этиб, чорвачилик ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар бисёр. Улардан бири — Нуркен Қошқарбеков Конимех туманида истиқомат қилади.

Нуркен “Саржал” овулида чўпонлар оиласида туғилган. 23 ёшли бу йигитнинг 500 бош қўйи бор. Ҳар кун сурувини кенг яйловларга ҳайдаб чиқаради. Ҳаёти бир маромада ўтаётгандек туюлса-да, аслида тенгдошимиз юксак орзуларга интилиб яшамокда. Асосий мақсади — элга сифатли ва зотдор қоракўлар етиштириб бериш.

Яна бир ёш чўпон Нурсултан Қалдарбеков Конимех-

нинг “Боймурод” овулидан. Оиланинг кенжа фарзанди мана уч йилдики, “Қалмуратқазан чорвадорлар макони” масъулияти чекланган жамиятида бош чўпон вазифасида меҳнат қилиб келмоқда. От ва туялари, шунингдек, 535 бош майда шохли чорваси бор. Уни иш жараёнида суҳбатга тортидик. — Дадам олтиш йил (!) чўпонлик қилган, — дейди фахр билан Нурсултан. —



Илгариги тузум — эрксизлик замони ҳақида доимо куюниб гапирди. Айтишча, собиқ иттифоқ даврида чорвадорлар фақат давлат қўларини боқишга мажбур бўлган. Хусусий чорва сақлашга кўпгина тусиқлар қўйилган. Бугун эса, тамомила бошқа ҳолат. Гарчи чўпон

бўлсам-да, шахсий ва дахлсиз мулк эгасиман. Асосийси, у давлат ҳимоясида. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас — тинч юрда яшаётганимнинг ўзи улкан бахт!

Нурсултан билан гурунгимиз якунига етмай туриб, узоқдан Берикбай Дарменов кўринди. Меҳмон эканимизни

пайқади чоғи, дарҳол ёнимизга келиб, кўришди.

Берикбай ака тажрибали чўпонлардан. 2001 йилда “Шухрат” медали, 2016 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор” фахрий унвонига сазовор бўлган. Бу самимий инсоннинг суҳбатини олиб, маза қиласиз. Гап-сўзидагина эмас, юз-кўзида ҳам шукроналик ҳисси намоян.

Берикбай Дарменовни кўпгина ёш чўпонлар ўзига устоз, деб билади. Моҳир чорвадор мустақиллик қўлга киритилган, соҳада “Устоз ва шогира” аънасини тиклашга муносиб ҳисса қўшди. Кўпқари мусобақаларида мунтазам иштирок этиб келгани боис, туман аҳолиси орасида алоҳида ҳурмат қозонган.

Конимехдан вилоят марка-зигача узоқ йўл юриб борар эканмиз, чўпонлар билан кечган гурунгар хаёлдан ўтди. Шаҳсан меннинг ҳаётимда бундай учрашувлар бўлган эмас. Қишин-ёзин ҳалол меҳнат қилиб, халқ дастурхонини тўқин қилаётган бу заҳматқаш ва дилқаш инсонлар доимо омон бўлсин!

## ГАР ҲАЁТ БЎЛГАНИДА...

Қумар БЕГНИЯЗОВА

Адабиёт оламидаги асхрли қаламингизни йўқотманг! Бу қаламининг сиёҳи мутулаа. Ёзмай қолмасин десангиз, китоб ўқиб туринг.

Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлиб ўтган “Зулфия издошлари” мавзусида-

ги учрашув шундай жумлалар билан бошланди. Тадбирда таниқли ижодкорлар ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Учрашувда Зулфия шеърларидаги самимият ва нафислик денгиз тубидан топишган маржонлардек кишига завқ бағишлаши қайд этилди. Ёшлар шоира ижодидан парчалар ўқиди.

— Мактабимизда Зулфияхоним издошлари жуда кўп, — дейди педагог Гулнора Нурпесова. — Аксарияти сеvimли шоирамиз каби ҳаётбахш мисралар битади. Менимча, Зулфия опа ҳаёт бўлганида бундан беҳад қувонган бўларди.

» **TASHABBUS**

## ЯНГИ МАРКАЗ ЗИЁ ТАРҚАТАДИ

Сумбулой НУРМЕТОВА

Урганч шаҳрида “Билимлар хазинаси” замонавий китоб савдо маркази очилди. Ёш тадбиркор Шаҳноза Абдуллаеванинг мазкур хайрли ташаббусини шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши қўллаб-қувватлаган.



— Аввал ҳам китоб дўконим бор эди, фақат ҳозиргидек шинам бўлмаган, — дейди Ш.Абдуллаева. — Марказда 20 мингга яқин китоб жамланган. Улар ҳар хил ёшағи инсонларга

мўлжалланган. Келгусида адабиётларнинг тури ва салмоғини кўпайтиришни режа қилдик. Қолаверса, буюртма асосида китобларни манзилга етказиб бериш хизматини йўлга қўймоқчимиз.

» **SENING TENGDOSHING**

## ДАРАХТ БАРГИДАН КЎПАЙСА-Я!

Аҳхам ЖЎРАЕВ

Бобур Нодирхонов ўтган йили Тошкент иқтисодий ва бизнес коллежини тамомлади. Ўқиш баробарида тадбиркорлик кўникмаларини ҳам эгаллаб, инновацион бизнес лойиҳалар ярата бошлади. Шулардан бири Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Менинг бизнес ғоям” кўриктанловида ғолиб, деб топилган.

Тенгдошимиз дарахт кўчатларини инвентро усулида, яъни баргидан кўпайтириш технологиясини тақлиф қилмоқда. Антика жиҳати, бунда тупроқ, демакки, алоҳида ер майдони ҳам талаб қилинмайди. Жараёни махсус идишларда амалга ошириш мумкин. Мазкур лойиҳа ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш,



шунингдек, ландшафт дизайни соҳасида ниҳоятда қўл келиши, шубҳасиз.

YOSHLIK ILHOMI

Раҳмат БОБОЖОН

Умр

— Бир пайтлар бу қишлоқнинг кўчалари тор бўлса-да, одамларнинг қалби кенг эди. Ҳозир эса, акси, — хўрсинди нуроний. Ёнида эса, набираси хўрозқанда яшадан бўшамасди...

Интернетда

— Нега саволимга жавоб ёзмайсиз? — деди Шерзод ёнида ўтирган опасига қовоғини уйиб.  
— Кечирасан, эътибор қилмабман. Мана ҳозир.  
Назира телефонини олиб, укасига СМС ёза бошлади.

Ёлгончи

— Ёлгончиликини ёмон кўраман, — дедию юзи қизариб кетди.  
— Ёлгон гапирсанг, бирдан юзинг қизаради-я, — пичинг қилди дўсти.

Қисмат

— Ойижон, нега чумолилар қора рангда бўлади? — умидли кўзларини тикиб сўради болакай.  
— Ҳар дақиқада бир яқини қурбон бўлавергач, мотам тутайди-да улар, — жавоб берди ўйга толган она.

Акамга маза!

— Акамга маза! Шаҳарда юрибди, ишламайди, кунни буйи ётса керак. Ойда бир марта келиб-кетайди, холос. Ушанда ҳам уй ишларига қарашай демайди, — онасига нола қиларди Аҳмаджон.  
Шу пайт эшикдан чўпдай бўлиб қолган акаси кириб келди.

Совға

Обиджон РЎЗИБОВ

Салим ва Олим болаликдан қўшни, бир мактабда таҳсил олди. Мана, коллежда ҳам бир-биридан ажралгани йўқ. Яна бир шериги Жамила икки дўстга ҳамроҳ ва даррақаш. Йигитлар унга муҳаббат қўйган, аммо бу ҳақда бир-бирига ёрилангича йўқ.



бўлармикан, — деди Олим уйчан ҳолатда.

Бу гапларни эшитган Жамила соатни унинг қўлига тақиб қўйди. Салимнинг мушти тугилди, газаби қайнаб, ўзини базўр тўдиб турди. Кейин мулоҳизадан отилиб чиқиб, ўртоғининг юзига мушт туширди. Туйқусдан келган зарбадан эсанкираган Олим ерга йиқилди. Жамиланинг кўзлари катта-катта очилди.

— Келиб-келиб сизлар билан дўст бўлиб юрибман-а, — деб бақирди Салим. — Ҳа Олим, Жамилада кўнглим борлигини билмасмидинг? Била туриб душманлик қиласан, деб уйламаганим. Мен ҳаммасини кўрадим.

— Нимани кўрдиринг?! Э, ургилдим сендақа “дўст”дан! Жамиланинг тақлифи билан туғилган кунингга совға олаётгандик. Сен эса, ҳаммасини бошқача тушунибсан, — деб уст-бошини қоққанча юриб кетди Олим. Жамила ҳам унга эргашди. Салим эса, не қиларини билмай мулзам бўлганча йўл ўртасида ҳаяқалдай қотиб турарди.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

“ЧЕТ ЭЛГА ДАДАЛАР БОРАДИ”

Шохрух БОБОХОН

Бугун мўмай даромад топиш илинжида айрим юртдошларимиз хорижий давлатларда ишлашни афзал кўряпти. Қонуний йўл билан кетса-ку, майли, қандай шароитда яшаб, қаерда ишлаши олдиндан тайин бўлади. Мухими, хавфсизлиги таъминланади. Бироқ ҳамма ҳам ўзига шундай хотиржамликни раво кўраётгани йўқ-да.

Пиёда юришни яхши кўраман. Бир куни кўчада кетаётсам, олдимдан икки болакай чиқиб қолди. Бири иккинчисига гап бермай, нуқул мақтанарди: “Дадам Россиядан келаяпти. Менга велосипед, акаларимнинг бирига ноутбук, бошқасига телефон олибди...”

Мулоҳаза қилдим: бу қоракўзларнинг кам-кўстини падари олиб келадиган совғалар билан қопласа бўлар, эҳтимол. Аммо меҳрга бўлган эҳтиёжини ким қондиради?!

Шундай уй-хаёлларга берилиб манзилга етиб келганимни ҳам сезмай қолдиман. Уйга амман болалари билан келган экан. Меҳмонларни қаршилаб, бирпас сўхбатлашиб ўтирдим. Амманнинг катта фарзанди ўғил. Ота-онаси қаригач, уларга суянчиқ бўлиши керак. Сўхбат асносида буюм унга юзланди: “Келажакда ким бўлмоқчисан, қаерда ўқиб, ишламоқчисан?”. Бола бироз тин олиб: “Россияга бораман, ўша ёқда ишлаб келаман, отам,

онам, синглим ва сизга ҳам кўп-кўп совғалар олиб келаман”, — деди шаҳд билан. Шу пайт синглиси шартта гапини бўлди: “Россияга дадалар боради-ку!”

Жажжи қизчанинг бу фикри мени эсанкиратиб қўйди. Отаси чет элдалиги учун шундай қарорга келганини ўқиб дугоналаридан эшитгани бордир. Хуллас калом, аниқки, оила устунларининг ўзга юртларда ишлаб келиши одатий ҳол эканини эндиликда мурғаклар ҳам тушуниб етмоқда. Боз устига, улар аслида ҳам шундай бўлиши керак, деган хаёл билан яшамоқда.

Одамларга ҳайронман, қарз-қурз қилиб дабдабали тўй-маъракалар ўтказишади. Ундан ҳам зарур харажатлари бўлатуриб, сўнги русумдаги автоулов минади. Аммо олмақнинг бермоғи борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Эртасини ўйламай иш қилиши чатоқ-да. Йигитлар орасида



уйланибоқ қарзни узиш мақсадида жуфтини ташлаб, чет элга равона бўлганлар, бирини икки қилолмай, ундан бешбаттар аҳволга тушганлар қанча.

Тўғри, эркак кишининг бош вазифаси рўзгор тебратиш, онлангнинг моддий таъминотини яхшилашдан иборат. Аммо у жуфти ҳалоли, фарзандларига меҳр-эътибор ҳам курса-

тиши керак-ку. Нега унда бола тарбиясини оналар гарданига юклаб қўйганмиз. Ойлаб, йиллаб мусофир юртларда дом-дараксиз қолиб кетмоқлик, аҳли аёлдан хабар олмай, тақдир измига ташлаб қўйиш эркакка ярашадими? Ойлада ҳар кимнинг ўз ўрни бўлиши керак-ку, ахир?! Сиз нима дейсиз, азиз тенгдошим?

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Қалаваннинг чқи ўзимизда - кч!

Санжар ЭШМУРОДОВ

Боланинг ёмони йўқ. БЭндигина туғилган чақалоқ оппоқ қоғозга ўхшайди. Унда қандай фазилатлар ёки иллатларнинг шаклланиши, аввало, ота-она тарбиясига боғлиқ. Албатта, барча фарзандининг хушхулқ бўлишини хоҳлайди. Бироқ...

Ота ишдан ҳориб келди. Ўғлига: “Мени биров сўраса, ҳали ишдан қайтмади дегин, хўпми!” — дея уқтирди. Бола падарининг сўзини икки қилолмайди, албатта! Ноилож, эшик қоққан кишига ёлгон гапиршига мажбур бўлади. Бора-бора аллашга ўрганади. Қарабсизки, туппа-тузук фибрибгарга айланади-қолади.

Ёки қўлидаги чойнакни тушириб юборган она воқеани кузатиб турган қизчаси билан келишига уринади: “Кел, буни дадангга айтмай қўя қоламиз. Эвазига сенга ширинлик олиб бераман. Сир тутамиз-а?...”

Одатда бу каби ҳолатларга жиддий эътибор бермаймиз. Лекин ана шундай эътиборсизлик ўғил-қизларда порохўрликка бўлган майлини уйғотмаётганимиз. Ахир, аввалига

қанд-қурсдан воз кечолмаган бола, кейинчалик мўмайгина даромаддан ҳам юз ўгира олмаслиги аниқ-ку!

Шахс тарбиясида таълим муассасаларининг ҳам ўрни катта. Афсуски, баъзи мактаб, лицей ҳамда коллежлардаги аҳволни кўриб, уларда содир бўлаётган хунук воқеалар ҳақида эшитиб, ёқа ўшлаб қоласан, киши. Наҳотки, эртасини эгларни шундай муҳитда улғаяётган бўлса?!

Яқинда учинчи синфда ўқийдиган жиянимнинг устози шанба кунни мактабга комиссия келишини айтди. Текширувчилар синф фонди ёки байрамлар учун пул йиғиладими, деб сўраса, йўқ дейишни уқтирибди. Бу ҳам етмаганидек, мактабда фаолият юритмайдиган аллақандай тўғараклар номи, улар қайси кунни, соат нечада иш олиб бориши ҳақидаги ёлгон маълумотларни ҳам ёд олдирибди. Бундай устаси фаранг педагоглариимиз борлигига жууда ачиниш кетдим.

Нима ҳам дердик, халқимизда олим бўлма, одам бўл, деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, ёшларда фақат олижаноб фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилайлик.



— Доимий пропискам Тошкентда. Фарзандим эса, Москвада туғилди. 2013 йилдан бери ҳеч қаерда ишламайман. Бола ва суянчи пулларини қаердан олишим мумкин?

Барно АБДУҚОДИРОВА Фарғона шахри

САВОЛГА АВАКАТ

Алишер ИСМАТУЛЛАЕВ жавоб берди: — Бола пулини олиш учун доимий яшаш манзилингиздаги маҳалла фуқаролари йиғинига мурожаат қилишингиз лозим. Бунинг учун тегишли ҳужжатлар тақдим этиш сўралади. Суянчи пули эса, доимий яшаш жойи бўйича Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан тайинланади. Уни бола туғилганидан бошлаб олти ой давомида олиш мумкин.

Аҳмадбек АЛИМБЕКОВ

НИҚОБ — Қанчадан буён кўришмадик ҳам, гаплашмадик ҳам, тинчмисан, дўстим? — Э, вақт йўқ, — кўнглидагини яширди иккинчиси.

КИТОБ Ақлинга қараб таъсир қилдиган самимий дўст.

ОЧИҚЛИК Унинг қўлоғи ғийбатларга, оғзи нобоп сўзларга очик эди. Оқибат кўзлари ҳам очик кетди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши жамоаси ташкилотнинг Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби Зулайхо Зайнадиновага воладаст Зуфия ГАНИЕВанинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

ASLIYATDAN TARJIMA

Мустафо ҚУТАУ

Севинч

(ҲИКОЯ)

Турк тилидан Муаззама ФОЗИЛИЯ таржимаси.

Истироҳат боғида икки бола сўрига ўтириб олганча тешиқкулча сотаяпти. Иккови ҳам чамаси саккиз-ўн ёшда, қорамгағиз, озғин. Йўқчиликда ўсаётгани афт-ангоридан маълум. Бир хил шевада гаплашяпти. Демак, ҳамқишлоқ.

Тушлик пайти яқинлашди. Қорин очган. Боғнинг турли бурчакларидан атрофга таралаётган дўнар, сих қабоб иси болаларнинг димоғини қитиқлади.

— Кел, биттадан тешиқкулча еймиз, — тақлиф қилди бири.  
Одатда болалар кимнинг патнисидан тешиқкулча олишни чўп тортиб олиш йўли билан аниқлар-



ди. Яъни, улардан бири қафтлари орасига узун ва қисқа чўп яширади. Иккинчиси калта чўпни топиши керак. Баъзан болалар кулчанинг икки четидан баравар тортарди. Ҳар ким ўзига теккан улушни ерди.

Аммо бу гал кулча анча катта бўлакка ажралди. Омади келган бола ҳамроҳининг олдида хижолат чекиб, норози бўлди. Дўсти эса, уни юпатиб: “Нима ҳам қилардик, насибанг экан. Ол, еявер, тортинма!” — деди. Аммо шеригининг бундай йўл тутишга кўзи қиймади. Бир бўлагини дўстига узатди. Лекин у олмади. Ик-

киси узоқ вақтгача тортишиб қолди.

Шу пайт боғда ризқини териб юрган каптарлар патнис ёнига қўниб, тўкилган кулча увоқларию кунжутларни чўқий бошлади. Буни кўрган болалар ҳалиги катта бўлакни майдалаб, қушларнинг олдига сочди. Бирпасда атроф каптарларга тўлиб кетди. Бундай томошадан тешиқкулча сотувчилари завқланди. Кейин кулчанинг қолган қисмини ҳам майдалаб, қушлар олдига сочдилар. Қушларнинг абжир ҳаракатини кузатган сайин икки дўстда очлик ҳисси йўқолаётгандек эди. Митти жонзотларга кўрсатилган



меҳр-мурувват уларнинг қалбини ёритди.

Ниҳоят, кулча еб тугатилди. Ерда бир дона ҳам кунжут қолмади. Каптарлар осмонга кўтарилди. Болалар уларнинг парвозини кузатиб, яна завқланди. Иккиси ўзида йўқ хурсанд эди. Қалбидан на очлик ҳисси, на ғам қолди. Атрофида эса, юзлаб “фаришталар” чарх урарди. Бугун савдо бароридан келиши аниқ...

Оқшомда болакайлар чўнтагини пулга тўлдириб, уйга қайтди. Оналарига каптар воқеасини севинч ила сўзлаб берди...

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина – масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович  
Навбатчи  
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш тахририй рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририйга келган кўлбизмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририйат манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоуси келишилган нарҳда.  
Буюртма Т-336  
Адаб — 27166  
Босмакчи томошаси вақти — 21:30  
Тиражи — 23 300  
Ўқиб юзми — 23:00  
Объект уюшмади босмакчи.